O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 5-FEVRAL ■ PAYSHANBA ■ 14 (27.189) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ДЕЛЕГАЦИЯ АВСТРИЯДА БЎЛДИ

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (ЎТИАА) вилоят бўлинмалари раҳбарларининг Австрияга бир ҳафталик ташрифи ниҳоясига етди. Қорақалпоғистон, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Андижон вилоятлари вакилларидан иборат бўлган мамлакатимиз делегациясининг мазкур сафари Австрия иқтисод ва меҳнат федерал вазирлиги билан ЎТИАА ҳамкорлиги ва Ўзбекистоннинг Венадаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Австриялик ишбилармонларнинг яқинда Ўзбекистонга қилган сафарининг мантиқий давоми бўлган ушбу ташриф доирасида мамлакатимиз вакиллари Австриянинг иқтисодий тизими, мамлакатда тадбиркорлик, экспорт ривожи ҳамда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистонлик мутахассислар давлат иқтисодий муассасалардаги учрашувлар билан бир қаторда Австрия Федерал иқтисодиёт палатаси ҳамда Гюссинг шаҳридаги Европа энергияни қайта тиклаш марказига ташриф буюрдилар.

Озиқ-овқат ва электротехника саноати, қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш, энергетика ва бошқа тармоқларда фаолият юритувчи қатор корхоналар вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида қўшма корхоналар тузиш, ўзбек маҳсулотлари экспортини кенгайтириш, мамлакатимиз саноат тармоқларига Австриянинг илғор технологияларини жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

«Жаҳон» АА

Баркамол авлод орзуси

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ҲУНАРЛИ БЎЛИШМОҚДА

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАМОҚЧИ ЭКАНМИЗ, БИРИНЧИ НАВБАТДА ЎҚУВ ЮРТЛАРИМИЗНИНГ ШАКЛИ, ҚИЁФАСИ ВА ТАРКИБИ, МОДДИЙ БАЗАСИ ҲАМ ЗАМОНАВИЙ БЎЛИШИ ШАРТ

Мана шу буюк мақсадларнинг ижобати мамлакатимиз туман ва шаҳарларида очилган янги замон илм масканлари —, лицей-коллежларимиздир. Улар бугун илм-ҳунар эгаллаш орзусида бўлган ёшларимизни ўз бағрига олмоқда.

Биргина Поп туманида бешта касб-ҳунар коллежи бўлиб, уларда 2213 нафар ёш таълим олмоқда. Ўттиздан ортиқ йўналишни қамраб олган коллежларда икки юзга яқин муаллим касб-ҳунар сирларидан сабоқ бермоқда.

Ўтган 2003 йил поплик ёшлар учун айниқса қувончли бўлди. Туманнинг Ғурумсарой, Халқобод, Санг қишлоқларида янги коллежлар ўз фаолиятини бошлади. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ ёшлари ҳунарли бўлишмоқда.

Бугун замонавий технологиялар билан таъминланган ушбу масканларда таълим олган мутахассисларга халқ хўжалигининг турли соҳаларида талаб катта.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

✧✧✧

Суратларда: маиший хизмат касб-ҳунар коллежи бир гуруҳ талабалари; Халқобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг умумий кўриниши.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар



«ОЛОТТЕКС»НИ ЖАҲОН ТАНИМОҚДА

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти ва Швейцариянинг «Виматек» фирмаси ҳамкорлигида бунёд этилган «Олоттекс» қўшма корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Йилига 2959 тонна ип-калава ҳамда 6 миллион погонометр хом сурп ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхонани ишга тушириш учун ҳамкорларнинг 9 миллион 402 долларлик сармояси кифоя қилди.

Ўтган қисқа вақт ичида корхона ўзининг сифатли ва арзон маҳсулотлари билан хорижликлар эътиборини тортди. Бунда, албатта, Швайцарияда ишлаб чиқарилган «Зулцер Руги» тўқув, Германиянинг «Трютшлер», Чехиянинг «Элитекс» тамғалари босилган йигирув дастгоҳлари қўл келди.

— Ҳозиргача чет элга қарийб 809 минг погонометр хом сурп сотдик, — дейди қўшма корхона директори Хўжаназар Абдуназаров. — Буни пулга чақсак, 450 минг АҚШ доллари дегани. Бу ҳали мўлжалдаги кўрсаткич эмас. Биз қувватларни босқичма-босқич ошириб бориб, янги-янги марраларни кўзлаяпмиз. Туркия, Люксембург, Эстония, Арманистон каби қатор мамлакатларга маҳсулотларимиз аллақачон таниш бўлиб қолди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ»

ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Шу йилнинг 27 январь куни Брюсселда «Ўзбекистон — ЕИ» Ҳамкорлик кенгашининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йил Флоренцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ЕИга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳамда 1999 йил 1 июль куни кучга кирган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (ШҲБ)ни бажариш йўлидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Европа Иттифоқи вакиллари ШҲБ доирасида сиёсий ва иқтисодий соҳаларга оид ўзаро мулоқот изчил ривож топаётганини қайд этишди. Европа Иттифоқи томонидан мамлакатимизга бозор иқтисодиётига ўтиш ва демократик институтларни шакллантириш жараёнида кўмак бериш давом эттирилиши таъкидлаб ўтилди. ЕИ Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга амалий ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг миллий валюта конвертацияси бўйича Халқаро Валюта Жамғармаси Низомининг 8 бандини имзолаганини олқишлади ҳамда Ўзбекистонга Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида кўмак беришни давом эттиришини таъкидлади.

Томонлар ЕИнинг кенгайиши нафақат Европа давлатлари, балки ШҲБ доирасида шерик мамлакатларда ҳам барқарорликни мустаҳкамлаш ва тараққиёт учун имкониятлар яратишига ишонч билдирдилар.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар бўйича қабул қилинган якуний ҳужжатда Ўзбекистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнидаги амалий ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг катта ҳажмдаги — бир миллион тоннадан зиёд инсонпарварлик ёрдамини Афғонистонга етказиш учун транспорт йўлагини очганини ва ўзбек компанияларининг ушбу мамлакатда инфратузилма лойиҳаларини барпо этаётганини самимий қутлади. Европа Иттифоқи Тошкентда Шанҳай Ҳамкорлик Ташкилотининг Террорчиликка қарши минтақавий тузилмаси ишининг бошланганини ва гиёҳванд моддалар ва прекурсорлар айирбошлаш билан боғлиқ чегараларарро жиноятларга қарши кураш бўйича Марказий Осиё ахборот ва мувофиқлаштириш маркази тузилиши тўғрисидаги ташаббусни қайд этди. Ҳамкорлик кенгаши ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмак беришига ишонч билдирди.

«Ўзбекистон — ЕИ» Ҳамкорлик кенгаши доирасида Ўзбекистон ҳайъати раҳбари, республика ташқи ишлар вазири С.Сафоев-нинг Европа Иттифоқи ташқи алоқалар бўйича комиссари К.Паттен, ЕИ умумий ташқи сиёсати ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Х.Солана, Европа парламенти ташқи алоқалар, инсон ҳуқуқлари ҳамда умумий ташқи сиёсати ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўмита раиси Э.Брок билан мулоқотлари бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазири Бельгияга ташриф доирасида Бельгия Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Луи Мишел билан учрашди. НАТО Бош котиби Я.де Хооп Схеффер билан учрашув чоғида НАТОнинг Афғонистонда хавфсизликка кўмаклашиш бўйича халқаро кучлар (ISAF) қўмондонлигини амалга ошириш доирасида томонларнинг ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

ШОИР ИЖОДИДА МЕҲР ВА МУРУВВАТ

Тошкент (ЎзА мухбири Н.Усмонова). Республика таълим марказида «Алишер Навоий ижодида меҳр ва мурувват ғоялари талқини» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда таъкидландики, мустақиллик йилларида кўп асрлик қадриятлар, миллий анъаналар тикланди. Улар қаторига ҳар йили буюк аждодимиз таваллуд кунига бағишлаб ўтказиладиган навоийхонлик ҳам киради. Ўзбек халқи асрлар давомида буюк шоир ҳурматини бажо келтириб келади. Айниқса, унинг бой маънавий меросини ўрганиш ишлари таҳсинга лойиқ.

Алишер Навоий мероси — улкан ва бебаҳо. Узоқ йиллардан бери республика ўқув муассасаларида навоийхонлик ўтказиш яхши анъанага айланган. Улар давомида мутафаккир ижодига бағишланган конференция, семинар ва давра суҳбатлари, шеърият кечалари ўтказилади. Шоирнинг ўлмас асарлари кўп асрлардан бери одамларни меҳр, инсонпарварлик ва мурувватга чақириб келмоқда.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

11 февраль куни Эрон Ислом Республикаси инқилобининг 25 йиллик байрами нишонланади. Мазкур сана арафасида Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Муҳаммад Фатҳали матбуот анжумани ўтказди.

— Инқилобимиз асосан маданият ва саноат соҳаларида рўй берди, — дейди у. — Йигирма беш йил давомида турли соҳаларда юқори натижаларга эришдик. Маданият соҳасига назар ташласак, асосан матбуотдаги ўзгаришлар, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ортганлиги, мамлакатда саводхонлик даражаси кўтарилганлиги кўзга ташланади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда саккиз миллиондан ортиқ талаба олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Олти ёшдан юқори бўлган ўқувчилар мамлакат аҳолисининг 81 фоизини ташкил қилади.

Элчининг таъкидлашича, мамлакатда чоп этилаётган нашрлар сони 181 тани ташкил этади. Шулардан 52 таси марказий нашр бўлиб, тўртта инглиз, иккита араб, битта арман тилида ва битта кўзи ожизларга мўлжалланган газета мавжуд. Мамлакатда бешта телевизион канал, саккизта радиоканал ишлаб турибди.

— Эронда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокига алоҳида эътибор берилади, — дея сўзида давом этди элчи. — Аҳолининг 49 фоизини аёллар ташкил қилиб, улар турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, мактабларда-ги ўқитувчиларнинг эллик фоизи аёл ўқитувчилардан иборат. Мамлакатдаги 139 та нодавлат ташкилотда, давлат ташкилотларининг ўн фоизида аёллар юқори лавозимларда ишлашяпти. Шунингдек, мамлакат парламентининг тўрт фоизини аёллар ташкил қилади.

Муҳаммад Фатҳали жанобларининг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат президентлари учрашувидан сўнг янада ривожланди. Айниқса, товар айирбошлаш, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлик кучайди. Мамлакатимизда элликка яқин Ўзбекистон — Эрон қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Дилдора ТОИРОВА, «Туркистон-пресс»

ХДП ҳаёти

ИШЧИ ГУРУҲИ ВАКИЛЛАРИ НАМАНГАНДА

ЎзХДП Марказий Кенгашининг навбатдаги пленуми олдидан шаҳар ва туман партия ташкилотлари фаолиятини яқиндан ўрганиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳи аъзолари Наманганда бўлиб, қатор партия ташкилотларининг фаолияти билан танишдилар. Жойлардаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида вилоят кенгашида якуний йиғилиш ўтказилди.

Унда сўзга чиққан ишчи гуруҳи раҳбари С.Усмоновнинг таклиф ва мулоҳазалари иштирокчиларни қизғин мулоқотга чорлади. ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби М.Абдуллаева ҳамда Уйчи, Наманган, Косонсой туман кенгашларининг биринчи котиблари С.Ғайбуллаев, А.Умаров, К. Носиров ва бошқалар бўлажак сайловларга тайёргарлик ишларини кўнгилдагидек олиб бориш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар асосида ЎзХДП Наманган вилоят ташкилотларининг галдаги вазифалари белгилаб олинди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

МАҲАЛЛАДА ТИББИЁТ МАСКАНИ

Андижон шаҳридаги Султон Жўра номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Германия халқ университетлари немис ассоциацияси, халқаро ҳамкорлик институти, шунингдек, «DED» герман тараққиёт хизматининг раҳбарлиги ва молиявий кўмагида амалга оширилаётган лойиҳа асосида янги тиббиёт пункти ишга туширилди.

Ушбу мўъжаз шифохонада турли мутахассислар кўриги ташкил қилинган. Улар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, одамлар ўртасида санитария-тарғибот тадбирлари олиб боришади. Кам таъминланган оилаларга бепул биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗДУНРОБИТА» — ХАТИРЧИДА

НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёркул Умар). «Ўздунробита» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасининг уяли алоқа тизими мамлакатимизнинг барча ҳудудларига фаол кириб бормоқда. Шу кунга қадар бу компания Навоий вилоятининг Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, Қизилтепа, Конимех, Кармана туманларида ўз бўлимларини очган эди. Янги йилдан Хатирчи тумани маркази — Янгиработда ҳам замонавий алоқа хизмати йўлга қўйилди. Энди «Ўздунробита» уяли алоқа тармоғи Янгиработ ва Лангар қўрғонларига ўрнатилган алоқа нуқталарига туташди.

«ДИЙДОР» БИЛАН ДИЙДОРЛАШУВ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ СОВРИНДОРИ, АКАДЕМИК МАТЁҚУБ ҚЎШЖОНОВНИНГ «ДИЙДОР» АСАРИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Маросимни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бошқарди.

Унда олимнинг мемуар йўналишдаги «Дагиш», «Алам» асарларидан сўнг дунёга келган «Дийдор» номли янги китоби адабиётимизда катта воқеа бўлганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, халқ ёзувчилари Примқул Қодиров, Муҳаммад Али ва бошқа ижодкорлар ушбу асарнинг фазилатлари, унда акс этган воқеалар ранг-баранглиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳамон қаламини қўлида маҳкам тутиб келаётган адабиётшунос олимнинг маҳоратига, изланишларига юксак баҳо берилди.

Маъмуржон МАҲМУД

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

«СИФАТ-ДЕНОВ» — МАҲСУЛОТ КАФОЛАТИ

Яқин-яқингача Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга Термиз шаҳридан мувофиқлик сертификати берилар, бу эса кўпгина оворагарчиликларга сабаб бўларди.

Яқинда Денов шаҳрида вилоятнинг Шўрчи, Олтинсой, Денов, Узун ва Сариосиё туманлари аҳолисига намунали хизмат кўрсатувчи «Сифат-Денов» масъулияти чекланган жамият фаолият бошлади. Унинг асосий вазифаси — барча турдаги импорт-экспорт маҳсулотлари сифатини аниқлаш ва уларга мувофиқлик сертификати беришдан иборат.

— Жаҳон талаблари даражасидаги лабораторияга эгамиз, — дейди жамият раиси Маҳмуд Норқобилов. — Барча ускуналар мавжуд. Ҳар қандай маҳсулот сифати тезда аниқланади. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириб, мижозлар билан суҳбатлар, тренинглар ўтказишни, махсус ўқув курслари ташкил этишни ҳам режалаштирганмиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўтган йил Андижон вилояти қишлоқ хўжалигида бир қатор ютуқларга эришилди. Хусусан, ғалла ва пахта ҳосилидан деҳқонлар яхши даромад кўрди.

Айни пайтда вилоятда қишки ва баҳорги экиш ишларига тайёргарлик авжида. Керакли барча техника ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган транспорт воситалари сифатли таъмирдан чиқарилди, ариқ ва зовурлар тозаланди. Баликчи, Шаҳрихон, Улуғнор, Бўз туманларида шўр ювиш ишлари ҳам яхши олиб борилмоқда.

Ернинг ҳосилдорлик даражасини оширишда агротехник қоидаларга риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам маҳаллий ўғит ўз вақтида далага олиб чиқилса, ҳосилдорлик ошади.

Мавсум ишларига жалб этилган барча техникаларнинг бир маромда, унум билан ишлаши қишки дала ишларини ўз вақтида бажариш имконини беради. Андижон пахтачилик мактабида ўзига хос шухрат қозонган бу усул эрта баҳорда экин майдонларида ортиқча иш бажаришнинг олдини олади. Шу боис андижонлик деҳқонлар мавсум тараддуди билан боғлиқ барча юмушларни ўз вақтида амалга оширишга алоҳида эътибор билан қарайди.

✧✧✧

Суратларда: Шаҳрихон туманидаги «Сардор» ширкат хўжалигида баҳорги экиш ишларига пухта тайёргарлик кўрилмоқда; Улуғнор туманидаги «Оқолтин» ширкат хўжалигининг 80 гектар майдонида шўр ювиш ишлари бажарилди. (Чапдан-ўнгга) сувчи Дилшод Мақсудов, хўжалик раҳбари Илҳомжон Абдураҳмонов, сувчи Эргашали Муҳиддинов.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ИЖТИМОИЙ

ЖАМИЯТИМИЗДА ҲЕЧ КИМ ЎЗИНИ

Меҳр ва мурувват — инсон зийнати

Яқинда матбуотда эълон қилинган «Меҳр ва мурувват йили» дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга, хусусан, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисидан жудо бўлган болалар ҳамда ёлғиз кексаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилди. Халқимизнинг бундай қадимий анъана ва қадриятларини ҳаётга чуқурроқ сингдириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бир сўз билан айтганда, дастур замирида жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган эзгу ғоя ўз ифодасини топди.

Биз яқинда дастур юзасидан Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган дастлабки ишлар билан танишдик.

— Аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш учун бу йил бюджетдан 20491526 сўм ажратилди, — дейди вилоят молия бошқармаси бошлиғи Ҳуррам Жўраев. — «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида умумий тарздаги молиялаштириш лойиҳаси поёнига етди. Энди уни амалда татбиқ этамиз. Бу биздан катта масъулият талаб этади. Бу борада даставвал, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар ва етимесирларга берилажак эътибор катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳаммадан кўра улар кўпроқ меҳр-мурувватга муҳтож. Вилоятда 3 та махсус интернат яна 3 та меҳрибонлик ва 2 та саховат уйи бор. Булар мунтазам молиялаштириб борилмоқда.

«ДАДАМ БИЛАН АЯМНИ ТАНИЙСИЗМИ?»

Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйидамиз. Атроф тоза, саранжом-сариштa. Чоғроққина ўйингохда болалар қийқириғи, шовқин-суроні. Бино хоналарининг бирига кирамиз. 15-20 нафар қизу ўғил бир ота-она фарзанди сингари тизилишиб туришди. Киришимиз билан, ҳаммалари бир овозда «Ассалому алайкум», дея саломлашдилар. Зимдан разм солдим. Энг каттаси 10-11 ёшда, кичиги эса 3 ёшда. Тарбиячи уларни бир-бир таништираяпти: Озода, Темур, Одил, Элёр, Виктория, Феруза... булар чиройли шеърлар билишади...

Бунёд деган болакай бир-рон-бирон ўқий кетди:

Ватан, менинг онамсан,
иссиқ қучоғинг,
Оламда ягонасан,
азиз тупроғинг.

Кейин Каромат, Рихситилла давом эттиришди. Она Ватан ҳақидаги шеърларни улар катта ифтихор, кўтаринкилик билан ўқишди. Айниқса, бир қизалоқ эътиборимни тортди: эса яқиндагина «узоқ муддатли хизмат»дан қайтибди.

— Болаларнинг кўнглини ўкситмасликка ҳаракат қиляпмиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Гулсара Раҳмонова. — Ўз боламиздек яқин оламиз, барига ота-онасидек... бир хил муносабатдамиз. Биринчи галда буларга ширин сўз, хушмомала керак. Қолганлари маблағ билан боғлиқ масалалар. Ўзингиз кўрдингиз, ётоқхоналар шинам. Телевизор кўрадиган, машғулотлар ўтказадиган, дарс қиладиган хоналар алоҳида-алоҳида. Озиқ-овқатлари яхши, кийим-кечаклари тайёр...

— Эртак китоблар ўқиймиз, яқинда «Бўғирсоқ» билан «Зумрад ва Қиммат»ни ўқидим, — деди у.

— Яхши эртаклармикан?

— Ҳм-м... Зумрад яхши, Қимматнинг ўзиям, онасиям ёмонакан...

Кўп нарсани сўрадим ундан. Шу боисми, «бу одам яқинларимни таниса керак», деб ўйлади шекилли, дафъатан сўради: «Дадам билан аямни танийсизми?! Айтинг, келиб-кетишсин...»

Ишонасизми, ўзимни базўр тийдим. Ичимда унга тасалли бердим: «Айтаман, албатта айтаман, улар яқинда келишади, сени яхши кўришади улар...» Кейин суриштириб билдим. Қизалоқнинг «ота-онаси»... Она бошқага турмушга чиқиб кетган, ота

Бундай мақсадлар учун мазкур Меҳрибонлик уйига 2002 йил давлат бюджетидан 37888,6 минг сўм ажратилганди. 2003 йил эса давлат ҳисобидан 42924 минг сўм, вилоят ҳокимининг фармойишига кўра 3378725 сўм ажратилди. Бу рақамлар силсиласида болаларнинг усти бут, қорни тўқ ва қайсидир маънода кўнгиллари хуш. Рассомчилик, тикувчилик, каштачилик, пазандалик тўгараклари ҳамда волейбол, футбол, шахмат, шашка, баскетбол спорт гуруҳлари мунтазам фаолият юритаяпти. Ўйинчоқлар ҳам бисёр...

ЭЛГА БОШЛИҚ БЎЛИШ ОСОН, БОШ БЎЛМОҚ ҚИЙИН

ЁКИ БАҒДОД ТУМАНИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН КЎЗБЎЯМАЧИЛИК, ҚАРИНДОШ-УРУҒЧИЛИК ВА БОШҚА БЕДОДЛИКЛАР ХУСУСИДА

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

«Раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини аввало ўз виждони олдида, унга ишониб юрган одамлар ва эл-юрт олдида чуқур англаши керак, иш устида куйиши ва ёниши керак... Фақат шундагина ўз тақдирини шу раҳбарга ишонган одамлар эртанги кунидан хотиржам бўлиши мумкин.»

Ислом КАРИМОВ

(Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг шу йил 29 январь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан)

Мақоламизни халқимиз нақлидан бежиз бошламадик. Қўлимиздаги маълумотлар, далолатномалар ва расмий ҳужжатлардан ташқари боғдодлик фуқаролар аризаларига Фарғона вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси М.Усмонов ёзган жавоб хатини ўқигач, унга шундай сарлавҳа қўйишни жоиз кўрдик. Негаки, унда сўнгги йилларда туман раҳбарияти «бугунги кун ўтди, эртага бир гап бўлар» қабилида иш тутиб келаётганлиги тасдиқ топганди.

Келинг, гапни бошидан бошлайлик.

Сўнгги икки йилда туман иқтисодиётида, унинг етакчи соҳалари ва тармоқларида оқсоқлик кучайди. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, оғирини енгил қилиш эътибордан четда қолди. Ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик, талонторожлик авж олиб, қишлоқда деҳқонларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг оқил йўли — оилаларга ер ажратишга юзаки қаралди. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг ҳаёт даражасига салбий таъсир кўрсатди. Элда туман раҳбариятига нисбатан ишонч йўқолиб, норозилик кайфиятлари туғила бошлади.

Хулосаларимизни тасдиқлайдиган мисоллар оз эмас. Масалан, ўтган давр ичида 2431 оилага уй-жой, шахсий томорқа учун берилиши лозим бўлган 335,7 гектар ердан фақат 639 оилага 128,4 гектар ер ажратилди, холос. «Боғдод» ширкат хўжалигида 233 нафар, «Мирзаобод» ширкат хўжалигида 220, «Пахтакор» ширкат хўжалигида 60, «Намуна» ширкат хўжалигида 320, Охунбобоев номли ширкат хўжалигида 231 «Учуй» ширкат хўжалигида 120 «Конизор» илмий тажриба хўжалигида (ҳозир у «Миробод» жамоа хўжалигига қўшилган) 87 нафар — жами 1792 оилага берилиши режалаштирилган 158,6 гектар ер берилмади. Охир-оқибат бу оилалар моддий-маънавий зарар кўрди. Ҳолбуки, айни шу берилмаган ерларнинг 108,5 гектари ширкат хўжаликлари томонидан ноқонуний фойдаланилиб, туман статистика бўлимига берилган «4-СХ» ҳисоботига киритилмади ҳам.

Энг ачинарлиси, режасиз экилган экиларнинг харажатлари пудратчилар экинлари ҳосили ҳисобидан қопланиб, маҳсулот таннархи сунъий равишда оширилди. Олинган даромадларнинг изи кўринмади.

Бир пайтлар минглаб зотли моллари бўлган «Ҳамзаобод» наслчилик ва туман «Бўрдоқичилик» корхоналари ютуқларига бутун мамлакатимиз чорвадорлари ҳавас қилишарди. Бугун эса бу ердаги замонавий биноларга ва технологиялардан асар ҳам йўқ. «Ҳамзаобод» наслчилик заводи билан «Киргиз айыл техсервиз» лизинг компанияси (Қирғизистон)нинг учинчи филиали ўртасида 82 гектар буғдойни ўриб беришга келишилган шартномага асосан 30 бош қорамол (бухгалтерия ҳисоботида ҳар килосининг нархи тирик вазнда 890 сўм 53 тийиндан бўлса-да, 750 сўмдан расмийлаштирилган) арзон-гаровга бериб юборилди.

Фермер хўжаликлари ташкил этиш баҳонасида бўлган ўйинлар ҳам ғаройиб. 2002 йилнинг июнь ойида «Боғдод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Н.Эргашев (туман ҳокими Ш.Солижоновнинг оғзаки топшириғига кўра) ер ажратиб бериш эвазига М.Исмоиловдан 220 минг, Б.Маматовдан 550 минг, Х.Хўжакелдиевдан 500 минг, А.Эргашевдан 600 минг, Н.Ҳошимовдан 280 минг, Э.Умрзоқовдан 500 минг, Х.Миролимовдан 500 минг — жами 3 млн. 30 минг сўм нақд пул йиғиб олди. Ва шу ойнинг ўзидаёқ бу пул қирғизистонлик ҳашарчи комбайнчиларга иш ҳақи сифатида «тилхат» олиш йўли билан бериб юборилди. Энди ўйланг, ҳашарчилар ўриб берган буғдой ўрими ҳақини ширкат хўжалиги ўз ҳисобидан эмас, балки фермер хўжалиги ташкил этиш баҳонасида ажратилган ер ҳақи эвазига (одамлардан йиғиб олинган нақд пул ҳисобидан) қопланишини ҳўжалик ҳокимнинг ўғли номида!), хўжаликка корхона ҳисобидан оз эмас-кўп эмас (экишдан бошлаб, то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар) барча харажат 27 млн. сўмга тушди.

Кўп ўтмай шунга ўхшаш ҳол «Боғдодларранда» очиқ ҳиссадорлик жамияти фабрикасида ҳам юз берди. Унга ҳиссадорлар раъй-розилиги олинмай ҳокимнинг укаси — Ҳусанбой Маҳқамов директор этиб тайинланди. Бу ердаги Исроил технологияси асосида қурилган замонавий товуқхона бинолари қисқа вақт ичидаёқ шип-шийдон қилинди, аниқроғи, сотиб юборилди. Ҳатто ҳиссадорлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда туман прокуратурасига мурожаат қилиб, текширув бошланган кезларда ҳам директор ўз амалидан фойдаланиб, фабрикага қарашли ерларни ноқонуний пуллашга улгурди. Ниҳоят, қачонки юзага келган вазиятдан ҳиссадорлар ҳокимни ва назорат органларини қатъий огоҳлантирганларидан сўнгтина Маҳқамов вазифасидан бўшатилди.

Шу ўринда ҳиссадорлар аризасига **Фарғона вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Т.Эгамбердиев**нинг (04.11.2003 йил, 01/05-1085-сонли) жавобини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

«Сизларни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига «Боғдодларранда» ОАЖ раиси Х.Маҳқамовнинг ғайри-қонуний ҳаракатлари юзасидан ёзган шикоят-аризангиз вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан жойида ўрганиб чиқилди.

Шикоят-аризада қайд этилган ҳолатларнинг аксарияти ҳақиқатда ҳам жамиятга 2003 йил февраль ойидан бошлаб раҳбар бўлган Х.Маҳқамовнинг иш фаолияти даврида юз берганлиги маълум бўлди.

Жумладан, жорий йилнинг февраль ойида жамиятга даромад қилинган 28 млн. сўмлик 12780 бош куркани боқишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар оқибатида 8801 боши нобуд бўлган, қолганлари эса яхши ривожланмаган. Натижада, ҳозир бирор бош ҳам курка қолмаган. Иқтисодий зарар харажатга нисбатан 25 млн. сўмни ташкил этган (харажат — 65 млн., даромад — 40 млн., зарар — 25 млн. сўм).

Жамиятда иш тўғри ташкил этилмаганлиги сабабли иқтисодий аҳвол ўта ёмонлашган. Бу эса иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслигига олиб келган. 01.10.2003 йил ҳолатига кўра қарз — 23,2 миллион сўмни ташкил этган.

Маҳқамов жамиятга раҳбар бўлиб келганидан кейин бир қатор мутахассислар вазифаларидан бўшатилиб, ўрнига мутахассислиги тўғри келмаган ва қобилияти етарли бўлмаган бошқа шахслар ишга олинган. 8 ой мобайнида 16 нафар мутахассис алмаштирилган.

«Ўзпаррандасаноат» уюшмасидан 2003 йилда ажратилган 200 тонна соя шротини жамият раҳбари Х.Маҳқамов хатига (20.02.2003 йил 17-сонли) кўра Фарғона туманидаги «Эл-Нур-Мурод» фермер хўжалиги сотиб олган ва бундан 100 тоннасини яна жамиятнинг ўзига қайта ортиқча нархда сотган.

Маҳқамов жамиятга қарашли «КамАЗ» автомашинасини А.Қодиров ва С.Қўлдошев деган шахсларга ҳеч қандай расмий ҳужжатларсиз ижарага бериб, улардан кунига 10 минг сўмдан олиб, корхонага кирим қилмаган. Аниқроғи, бу маблағни ўз манфаатига ишлатган. Ҳайдовчиларнинг тушунтиришича, 850 минг сўм ижара пули Маҳқамовга берилган...

Аризада қайд этилган бошқа ҳолатлар ҳам текширишда тасдиқланди...»

Энди ўйлаб кўрайлик, Маҳқамов қайси юрак билан бундай қонунсизликларни қилишга журъат этди? Жазодан қўрқмадими, уялмадими, виждони қийналмадими?..

Бу жиноятлар аниқланган, туман раҳбарлари қаттиқ тавшишга тушиб, зудлик билан ахволни ўрганиб, одамларни рози қиладиган чора-тадбирни кўришлари зарур эди. Афсуски, аризачиларнинг айтишларича, шундан сўнг туманда уларга тазйиқ бошланди. Устига-устак ҳиссадорларнинг розилигисиз «Боғдодларранда» ОАЖ ерлари «Дўстлик» ширкат хўжалигига ўтказиб юборилди. Бу билан гўёки «қор ёғди, излар босилди» қабилида йўл тутилди. Қолаверса, ерни ўтказиб бериш тўғрисидаги қарор туфайли жамият ҳиссадорлари — ҳам мулкидан ажралди, ҳам ўша ер эвазига келиши кўзда тутилган даромаддан бенасиб қолишди. Бу «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги республика Қонунининг қўпол равишда бузилиши эди.

Яна бир ҳолат: Охунбобоев номли ширкат хўжалиги Учкўприк тумани МТП қошидаги «Монтажчи» кооперативи билан 15 миллион сўмга янги «ГАЗ-3102» русумли машина сотиб олиш учун шартнома тузди. Ўша кезлари ширкат хўжалиги меҳнаткашларнинг иш ҳақидан — 8 миллион 516 минг сўм, нафақадан — 35 миллион 962 минг, бюджет тўловларидан 19 миллион 112 минг — жами 63 миллион 589 минг сўм муддати ўтган қарзи бўлса-да, машина учун 12 миллион сўм маблағни «Монтажчи» кооперативига «эҳтиёт қисмлар олиш учун» деб силлиққина ўтказиб берди.

Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси М.Усмонов хатидан (№15208.03. 26 ноябрь 2003 йил) кўчирмалар:

«...Тумандаги «Боғдод», «Ўзбекистон», «Хазиний», Охунбобоев номли ширкат хўжаликларида кадрлар қўнимсизлиги тўхтамаётгани.., ширкат хўжаликлари бошқаруви раислари тез-тез алмаштирилиб, кадрлар қўнимсизлигига йўл қўйилиб келинаётганлиги ўз тасдиғини топди... Туман ҳокими транш тарақасида келган маблағдан хизматда фойдаланиши учун «ГАЗ-31 Волга» автомашинаси сотиб олгани ҳолати юзасидан ҳужжатли тафтиш ишлари олиб борилмоқда...

Фуқаролар томонидан фермер хўжалиги ташкил қилиш учун берилган аризалар туман ҳокимлиги томонидан ўз вақтида кўрилмаётгани.., жумладан, фуқаролар — М.Исмоилов, Б.Маматов, Х.Хўжакелдиев, А.Эргашев, Н.Ҳошимов, Э.Умрзоқов, Х.Миролимовларнинг аризалари берилганига бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳоким қарори чиқарилмаганлиги аниқланди...

«Сут-булоқ» фермасини туман ҳокимининг укаси М.Маҳқамов сотиб олиб, 1,5 миллион сўм зарар билан қайтариб бергани, «Нодир хазина» фермер хўжалигига шартномасиз бўрдоқичилик жамоаси корхонасидан 27 миллион сўм пул ўтказилгани, «Ҳамзаобод» наслчилик корхонаси раҳбарлари томонидан хужжатларни сохталаштириш орқали «Чўли чапдор» фермер хўжалигидан сув тортиш насосини 4 миллион 200 минг сўмга сотиб олганликлари текширишда ўз тасдиғини топди...

Туман ва Давлат таъминот корхонаси ҳамда МТП корхонасидаги қонунбузилишлар, шунингдек, аҳолига деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш учун ажратилган 335,7 гектар ер майдонларига режадан ташқари буғдой ва пахта экиб келинаётгани бўйича мутахассислар томонидан текшириш ишлари олиб борилмоқда...

Туманда пахта сотиш режасини бажарилган қилиб кўрсатиш мақсадида мансабдор шахслар томонидан қўшиб ёзишлар юз бераётгани ҳақида прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишда «Боғдод пахта тозалаш» ОТҲЖ раиси Р.Қаимов раҳбарлигидаги жиноий гуруҳ томонидан 2002 йилда 10 та ширкат хўжалигининг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари 660,02 тонна пахта хомашёсини жуда кўп миқдорда пора олиш эвазига қўшиб ёзганликлари аниқланди... Айблов хулосалари судга юборилди...»

Туман тадбиркорлар палатаси раиси, вилоят халқ депутатлари Кенгаши депутати Мақсуд Холматов сўзларидан:

«Кейинги икки йил ичида туманда ҳоким Ш.Солижонов бировнинг номига сотиб олган магазинининг таъмири ва укалари номига тикланган автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (АЁҚШ)дан ташқари бирор қурилиш бўлмади...

Меҳнаткашларга ҳеч қандай асоссиз равишда 3-4 ойлаб иш ҳақи берилмай келди...

Туманнинг йиллик пахта тайёрлаш режаси ўтган йил 49 фоизда қолиб кетди...

Чорвачиликдаги аҳвол ҳам аянчли тусга келди. Биргина мисол: 2002 йил бошида «Халқобод» наслчилик хўжалигида 267 бош зотли сигир бор эди. Уларнинг «алмаштириб сотилиши» ва «зарурат юзасидан сўйилиши» каби баҳоналар билан ҳозир 68 таси қолди, холос. Устига-устак, фермадаги 4000 метр металл қувурлар қаерларгадир ташиб кетилди. Замонавий типда қурилган 5 молхона, 1 башня, тарозихона, бузоқчалар «туғруқхонаси» каби иншоотлар бузилиб, талон-торож қилинди. Кўрилган зарар 25-30 миллион сўмдан ошиб кетди...

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси қошида ташкил этилган жамғармага ширкат хўжаликлари аъзоларининг иш ҳақи, икки ёшгача бўлган болалар пуллари, Матлуботсавдо ва турли ташкилотларнинг жамғармаларидан 46 миллион сўм маблағ ноқонуний туширилиб, унинг қаерга кетганлиги номаълум бўлиб қолди. Охир-оқибат — Матлуботсавдо ташкилоти банкротга учради...

Кейинги бир ярим йил ичида МТПда 5 та, ширкат хўжаликлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларда 3-4 тадан раҳбар алмашди... Туманда ишсизлик кучайиб бормоқда...»

✧ ✧ ✧

Туман хўжаликларида ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган қайта-қайта текширувлар натижасида аниқланган бундай ўзибўларчилик ва ноқонуний ҳоллар — вилоят ер ресурслари бошқармаси мутахассислари, туман ер ресурслари хизмати мутасаддилари ҳамда Давлат солиқ инспекцияси ходимлари иштирокида имзоланган қўш-қўш далолатномаларда, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Фарғона вилоят бошқармасидан (бошқарма бошлиғи А.Пўлатов имзоси билан) олинган хатларда ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Одамлар ҳаққига хиёнат етказган, элни норози қилган раҳбар узоққа бормайди, албатта. Жиноятчилар ҳам изсиз қолмайди. Бу масалалар вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари эътиборидан четда қолмайди, деб ўйлаймиз.

Мақоламиз аввалида «Элга бошлиқ бўлиш осон, бош бўлмоқ қийин» деган сарлавҳани нега танлаганимиз хусусида фикр юритувдик. Мана, унинг сабабларини ҳам билиб олдингиз, чоғи...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

ҲИМОЯ МУҲИТИ

ЁЛҒИЗ СЕЗМАЙДИ, ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Демак, ҳаммаси яхши экан, деган хулосага боришингиз, табиий. Унчалик эмас. Бу ерда ҳозир 53 нафар бола тарбияланаяпти. Аммо 1950 йиллар охирида қурилган бино талабга жавоб бермайди. Шунинг учун вилоят ҳокими ташаббуси билан муаммони бартараф этиш чоралари кўриладиган бўлди. Бу дастур мундарижасида акс этган. Яна бир фикр: лотин имлосида чоп этилган бадиий, айниқса, эртак китобларни кўпайтирмоқ керакка ўхшаяпти. Болалар мутолаага чанқоқ...

— Бизда 89 нафар бола тарбияланмоқда, кутубхонамизда 4000 дан ортиқ бадиий адабиёт ва дарсликлар бор, — дейди Қамаши туманидаги Мирзо Улуғбек номли «Меҳрибонлик уйи» директорининг маънавият бўйича ўринбосари Рўзибой Абдиев. — Шундоқ ёнгинамизда ўрта мактаб бор. Бу эса тарбияланувчиларимизга ижобий таъсир этмоқда.

— Зилзила талофатидан сўнг ўтган йили муассасамиз тўлиқ таъмирланди, — гапга қўшилди «Меҳрибонлик уйи» директори Шарофат Шаймардонова. — 2003 йил озиқ-овқатга 56 миллион сўм, ҳар хил харажатларга 2 миллион 274000 сўм, кийим-кечакка 2 миллион 970 минг сўм ажратилганди. Барчасидан мақсадли ва самарали фойдаланилди. Бу йил эса янада кўпроқ молиялаштирилди. Бошқа камчиликларни ҳам бартараф этамиз.

САХОВАТ ҚУДРАТИ

Яккабоғ туманидаги «Саховат уйи» 1986 йилда ташкил этилган. Бу ерда асосан қариялар ҳамда I-II гуруҳ ногиронлари, жами 154 киши истиқомат қилади.

— 2003 йилда 102 миллион 467000 сўм молиялаштирилганди, бу йил янада кўпроқ... — ҳикоя қилди муассаса директори Нўъмон Қурбонов. — Ногиронларимизнинг баъзилари юролмайди, махсус аравачадагина у ёқ-бу ёққа чиқишади, холос.

Айтгандай, яна бир янгилик: улар орасида дурустгина шеър ёзадиганлари ҳам бор. Газетада ишларкансиз, агар шеърларини матбуотга чиқартириб берсангиз, улар учун сиздан яхши одам бўлмасди...

Қудрат Турсунов ва Жайлов Тошовларнинг шеърларини ўқиб кўрдим. Икковлари ҳам биринчи гуруҳ ногирони, аравачада юришади — уларнинг ҳаётдан кўнгли тўлмаган томонлари ҳам шу. Мана, Қудрат Турсунов ёзган шеър:

«Дардларимни айтайин кимга,
Осмон йиғлар менинг кўзимдек.
Нега ёлғон сўзлай кўнглимга,
Ким тушунар мени ўзимдек...»

Жайлов Тошовнинг сатрларига эътибор қилинг:

«Тунларимни ёритиб маним
Юрагимда ловуллар бир ўт.
Туйғуларга ғарқ бўлиб жоним,
Армонларим сақлайди сукут».

— Иккита китобим чиққан. Биринчисининг «Мени эслаб тур» номи билан чоп этилишига раҳматлик Муҳаммад Юсуфнинг бевосита ёрдами катта бўлганди, — дейди Қудрат ака оғир хўрсиниб.

Мамлакатимизда улкан ижтимоий ислоҳот сари қадам қўйилган. Бу жойларда ўзининг дастлабки самараларини бераяпти ҳам. «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастури амалга оширилиши шаксиз. Зеро, меҳр дунёни яшартиради, яшнатади. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломдан: «Дунёни нима ушлаб туриши мумкин», дея сўраганларида, у киши: «То қиёматгача дунёни меҳр-мурувват ушлаб туради», дея зикр этган эканлар.

ЎЧМАС ТААССУРОТЛАР

...Сафарни якунлаб, қайтарканман, айниқса, Қарши шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Озода исмли бир қизалоқ сўрови кўнглимга тинчлик бермади: «Дадам билан аямни танийсизми?! Айтинг, келиб кетишсин...»

Бу дунёда тирноққа зорлар қанча!? Ҳақиқий етимликдан кўра, тирик етимлик ёмон. Ота-онаси оламдан ўтган болалар бир кунмас бир кун кўникади, ўрганади. Аммо, падари ва волидаси бор бўлиб, ташлаб кетганлар-чи? Юраги эзилади, вайрон бўлади уларнинг. Айниқса, кейинги вақтларда бунақа ҳолатлар камайиш ўрнига... Йўқ, бунга сабаб фақатгина иқтисодий тақчиллик эмас. Оғир замонларда ҳам ўнлаб болаларни «болалар уйи»дан олиб боққан юртдошларимиз кўп бўлган-ку!

...«Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчилар орасида Ҳасан, Ҳусан Элмуродовлар ҳам бор. Ота-оналари оғир хасталикдан дунёни тарк этишган. Яқин қариндошлари эса боқолмаймиз, дея шу ерга топширишган. Балки тўғридир, ҳақиқатдан боқишолмас. Аммо, келганига бир неча йил бўлиб қолган бу болалар ҳар кун йўлга қарайди: «Қариндошларимиз келармикан, бир хабар олишсайди»...

Ҳасан-Ҳусан укаларим, зеҳнли, билимли, мутолаага ўч ўғлонлар экансиз, ўқишга зўр беринг, ўқишга. Зеро, барча эзгу мақсадлар калити шу... Сизнинг эртангиз ёруғдир, ишонинг. Балким, бирингиздан олим, бирингиздан адиб чиқар. Эҳтимол, бирингиз зўр шифокор, бирингиз муаллим бўларсиз. Ким бўлсангиз ҳам одам бўлинг! Шунда ота-онангиз руҳи шод-шодумон яшайди. Шунда уларнинг руҳи сиздан рози бўлгай...

Илҳом КАРОМОВ

ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРИШ ИХТИЁРИЙ

Москва шаҳри маъмурияти бу йил шаҳардаги барча мактабларда ягона мажбурий давлат имтиҳонларини ўтказмасликка қарор қилди. «Ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда ўқитувчилар жамоасининг ягона мажбурий давлат имтиҳони борасидаги фикрлари ва қарашлари турлича бўлганлиги, шунингдек, имтиҳон ўтказиш услубларини янада мукаммаллаштиришга зарурат туғилганлиги боис барча таълим муассасаларида ягона мажбурий давлат имтиҳонларини тажриба тариқасида расмий ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди» дейилади қарорда.

Пойтахт халқ таълими департаментининг матбуот котиби Александр Гавриловнинг таъкидлашича, бу борада пойтахт маъмурияти билан Россия Таълим вазирлиги бир фикрга кела олмаган. Шунинг учун бу йил Москва мактабларида ягона давлат имтиҳонларини топшириш ихтиёрий қилиб белгиланди, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

Қуйида баён қилинадиган хабар ҳам мактаб ҳаёти билан боғлиқ. «Новости» агентлиги тарқатган мазкур ахборотда айтилишича, Иркутск вилоятининг Тайшетск туманидаги 12 та мактаб муаллимлари иш ташладилар. 500 га яқин иштирокчи маошлар ўз пайтида берилишини талаб қилиб чиқди.

Маълумотларга қараганда, шаҳар маъмуриятининг ўтган йил декабрь учун маҳаллий ўқитувчилардан 4 миллион 300 минг рубль қарзи бор. Умумий ҳисобда бу қарз 15 миллион рублни ташкил этади.



УЧ КУНЛИК МОТАМ

Ироқ шимолида уч кунлик мотам эълон қилинди, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида. **Сабаб:** сўнгги маълумотларга қараганда, Эрбиладаги курд партияси штаб-квартирасида амалга оширилган иккита террорчилик акти натижасида 67 киши оламдан кўз юмди, 200 дан ортиғи эса турли даражада тан жароҳати олди.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР БАҲОРДА БОШЛАНАДИ

АҚШ Афғонистондаги «Ал-Қоида» ва «Толибон» кучларига қарши янги қақшатқич зарба беришга тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида Пентагон расмий вакили маълум қилди, дея хабар беради Chicago Tribune газетаси сайти. Операция шу йил баҳорда бошланиши мўлжалланмоқда. Ҳозир қўшинларни қайта шакллантириш жараёни кетмоқда. Бироқ Афғонистонга яна янги ҳарбий контингент жўнатиладими, йўқми, буниси ҳали номаълум.

Операция мамлакатнинг Покистон билан чегарадош жанубий ва шарқий ҳудудларида ўтказилади. Шу йўл билан қайта куч тўплаётган «Ал-Қоида» ва «Толибон» гуруҳлари режаларини чиппакка чиқариш режалаштирилган.

Аввалроқ Америка қўмондонлигининг раҳбарларидан бири «Ал-Қоида» етакчиси Усама бин Лодин ва «Толибон» етакчиси Мулла Умарни йил охиригача қўлга олиш режалаштирилаётганлигини маълум қилган эди.

CNN берган хабарларга қараганда, Афғонистондаги коалиция кучлари таркибида 11500 нафар ҳарбий бор. Шундан 8500 нафарини АҚШ ҳарбийлари ташкил этади. НАТО қўмондонлигидаги яна 5000 нафар ҳарбийдан иборат тинчлик кучлари эса Кобулда жойлашган.

Хабарларда таъкидланишича, «баҳорги зарба» чоғида Афғонистондаги Америка қўшинлари қўшни Покистон ҳудудида ҳам «тозалов» ишларини олиб бормоқчи. Негаки, Америка ҳарбийлари Покистон Президенти Парвез Мушаррафга яқинда уюштирилган иккита суиқасддан ташвишга тушмоқдалар. Хайриятки, уюштирилган ҳар икки суиқасдда ҳам Президентга зиён-заҳмат етмади. Ҳарбийлар суиқасд ортида «Ал-Қоида» турганлигини айтмоқдалар.

Маълумки, Покистон АҚШнинг шу ҳудуддаги асосий иттифоқчиси саналади. Аммо, расмий Покистон ўз ҳудудида коалиция кучларининг «Ал-Қоида»га қарши операция олиб боришига рухсат берган-бермаганлиги ҳали номаълум.

ТАҚИҚЛОВ МУДДАТИ ЯНА УЗАЙТИРИЛДИ

Европа Иттифоқи Таиланддан парранда гўшти ва умуман парранда маҳсулотлари импорти тақиқловини 15 августгача чўзди. Бу ҳақда Еврокомиссиянинг Брюсселда ўтган мажлисида маълум қилинди. Агар августгача «парранда гриппи» юзага келтирган вазият яхшиланмаса, тақиқлов муддати яна 3 ойга узайтирилиши мумкин. Бу тақиқлов шу йил январда вақтинчалик жорий қилинган эди. Ўтган ҳафта эса ЕИнинг ижроия органи жанубий-шарқий Осиёнинг барча давлатларидан турли парранда-даларни, шу жумладан, тўтиқуш, лочин, қирғийлар олиб келишни ҳам тақиқлади.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича Римдаги штаб-квартирасида эса «парранда гриппи» вирусига қарши кураш бўйича халқаро конференция давом этмоқда. Унда «парранда гриппи» тарқалган ҳудуддаги давлатлар — Япония, Жанубий Корея, Камбоджа, Вьетнам, Индонезия, Таиланд, Покистон, Лаос, Хитой, Тайбэй ва бошқа бир қанча давлатлардан, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотидан вакиллар қатнашмоқда.

Таиландда эса ушбу касалликдан тўртинчи одам ҳаётдан кўз юмди. У 7 ёшли бола бўлиб, унга «парранда гриппи» вируси юққан эди. Вьетнамда эса декабрда 9 киши оламдан ўтган.

Эпидемия муносабати билан Таиландда энг оммавий тадбирлардан бири ҳисобланмиш хўроз уриштириш ўйинлари номаълум муддатгача тақиқланди.


Арктика. Муз тоғлари

МУЗОКАРАЛАР ЯНА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Корея Халқ Демократик Республикаси маъмуриияти ядро дастури бўйича олти томонлама музокараларнинг навбатдаги босқичини ўтказишга тайёрлигини маълум қилди, дея хабар беради BBC News Корея марказий телеграф агентлиги ахборотига асосланган ҳолда.

Шундай қилиб, музокаралар 25 февралга белгиланди. Унда Шимолий ва Жанубий Корея, Хитой, Япония, АҚШ ва Россия вакиллари қатнашадилар.

Эслатиб ўтамиз: олти томонлама музокараларнинг биринчи босқичи ўтган йил август охирида муваффақиятсиз якунланган эди. Ўшанда АҚШ, Япония ва Жанубий Корея вакиллари Шимолий Кореянинг ядро дастуридан бутунлай воз кечишини талаб қилиб туриб олган эди. У эса ўз навбатида АҚШ қачонки халқаро терроризмни қўллаб-қувватлаётган давлатлар рўйхатидан Шимолий Кореяни ўчирса ва бу мамлакатга иқтисодий ёрдам кўрсатсагина ўз дастуридан воз кечишини уқтирган эди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Партия ташкилотлари ҳаётидан

Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар, Хатирчи ва Бухоро туман кенгашларининг партия ташкилотларининг 2003 йилги фаолияти якунлари, «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларида фаол иштирок этиш масалаларига бағишланган пленумлари бўлиб ўтди.

Б.Шоматов Олмалиқ шаҳар, Т.Боймуродов Хатирчи туман партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб сайландилар. Йиғилишларда Олмалиқ шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ҳайдаров, Хатирчи туман ҳокимининг ўринбосари У.Одилов иштирок этдилар.

ЎзХДП Ховос туман кенгашида ХДП ташкилотларида ҳисобот-сайловларга тайёргарлик, ҳудудий партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан туман партия кенгаши биринчи котиби Н.Эрматова, ХДПдан туман Кенгашига сайланган қатор депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилишда Ховос туман ҳокимининг ўринбосари Н.Маҳкамова иштирок этди.

Фурқат туман партия кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам Марказий Кенгаш сўнгги пленуми якунлари, жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда сайловларга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳам йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. 2003 йилда Қушчи, Янги қишлоқ, Эски қишлоқ ҳудудларида, мазкур йилнинг бошида эса туманнинг чекка ҳудудларидан бири бўлган Полвонтош қишлоғида ХДП ҳудудий бошланғич ташкилоти тузилиб, ҳозирда алоҳида масъулият билан фаолият юритмоқда.

ХДП Норин, Урганч, Уйчи, Наманган туман кенгашлари томонидан кўпгина маданий-маърифий тадбирлар амалга оширилди. Қурбон ҳайити муносабати билан боқувчисини йўқотган, ногирон ва фахрийлар хонадонларига йўқловлар уюштирилди.

ЎзХДП Чортоқ туман кенгаши ташаббуси билан ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд кунига бағишлаб, Навоийхонлик кунлари ўтказилмоқда. Адабиётшунос олим Ж.Раҳимов ва қатор маҳаллий ижодкорлар иштирокида меҳнат жамолари ҳамда ўқув муассасаларида шеърхонлик кечалари, мушоиралар ташкил қилинди.

ХАЛҚНИНГ ИШОНЧЛИ БАНКИ

Далил ва таҳлил

2003 йил мобайнида республикада ўтказилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мамлакат банк тизимини ҳам кенг кўламда қамраб олиб, банкларга билдирилаётган ишончни янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётнинг реал сектори ва истеъмол бозори инфратузилмасини тубдан тараққий топтиришга йўналтирилди.

Хўш, бу йўналишда республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бўлган Давлат-тижорат Халқ банки муассасаларида олиб борилаётган тадбирлар қай даражада? Бу ҳақда сўзлаб беришни мухбиримиз мазкур банк Бошқаруви раиси ўринбосари Носир Юлдашевдан илтимос қилди.

— Халқ банки муассасаларида банк фаолиятини универсаллаштириш, банк стратегиясининг истиқболли мақсадларига эришиши ҳамда банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида Халқ банки фаолиятидаги туб ўзгаришлар уни мамлакат банк тизимининг энг йирик бўғинларидан бирига айланишига имкон яратди. Банкда аҳолининг ва хўжалик субъектларининг тўлиқ пакетли банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди ва ҳозирда унинг 14 та ҳудудий филиали, 190 та туман ва шаҳар филиали, 76 та минибанки, 2600 тадан ортиқ шахобчаси мижозларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳисобот йилида банк раҳбарияти олиб борган сиёсат 2003 йилда қабул қилинган банк бизнес-режаси ва бюджетини ижро этишга, банкнинг ликвидлик ва фойдалилик даражасини кўтаришга, банк фаолиятини универсаллаштириш, банк мижозлари ва омонатчилари манфаатларини бирламчи назарда тутган ҳолда хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини юксалтириш, республикада яшовчи ҳар бир фуқаронинг «Оила банки»га айлантириш бўйича белгилаб олган вазифаларни оқилона бажаришга йўналтирилди.

BANK XALQ BANKI

Амалга оширилган тадбирларнинг маҳсули сифатида банк капитали йил давомида 3,3 миллиард сўмга кўпайиб, 2004 йил 1 январь ҳолатига 14,0 миллиард сўмни ташкил этди. Шу жумладан, банк устав сармояси 7,9 миллиард сўмга шакллантирилди. Банк активлари ҳажми 70,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк активларининг асосий қисми юқори ликвидли даромад келтирувчи активларга жойлаштирилди, яъни 15,8 миллиард сўм давлат қисқа муддатли облигацияларини сотиб олишга, 1,0 миллиард сўм корпоратив облигацияларга, 18,7 миллиард сўм Марказий банк ва бошқа банклардаги депозитларга, 12,2 миллиард сўм кредитларга, 2,9 миллиард сўм қимматбаҳо қоғозлар инвестициясига йўналтирилди.

Банк ресурс базаси йил бошига нисбатан 20,2 миллиард сўмга ортиб, 2004 йил 1 январь ҳолатига 70,1 миллиард сўмни ташкил этди. Бу миқдорнинг 62,5 фоизидан ортиғи аҳоли омонатлари, 37,5 фоизи эса банкнинг юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларнинг бўш пул маблағларидан ҳамда банкнинг ўз маблағларидан иборат.

Омонат бўйича ҳисобланган даромадларнинг солиққа тортилмаслиги, банклардаги омонатлар бўйича маблағларнинг манбалари декларация қилинмаслиги бўйича олиб борилган тарғиботлар, мижознинг биринчи талаби бўйича омонатдаги пулнинг эгасига берилиши, банк муассасаларининг дам олиш кунлари ҳам хизмат кўрсатишлари ҳамда банк ўз тарихий анъаналарини давом эттириб, депозит бозоридаги етакчилик салоҳиятини янада кучайтириш мақсадида амалга оширилган тадбирлар натижасида аҳолининг омонатларда сақланаётган жамғармалари қолдиғи 2003 йил бошига нисбатан 1,4 баробар ортиб, 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига 44,0 миллиард сўмга яқин миқдорни ташкил этмоқда. Республикамизнинг ҳар 3 фуқаросидан бири бугунги кунда банкимиз мижози эканлиги мақтовга сазовордир.

Халқ банкидаги аҳоли омонатларининг Давлат томонидан кафолатланганлиги фуқароларнинг мазкур банкка бўлган ишончлари кун сайин ошиб боришида бош мезонлардан бири бўлмоқда.

Бугунги кунда республикамиз ҳудудида турли тижорат банкларининг деярли барчаси аҳоли қўлидаги эркин пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш билан ҳам шуғулланади. Бу эса, банк жамоасини соғлом рақобат муҳитида тинмай изланишда бўлишга, омонатларнинг ноанъанавий турларини жорий қилиш устида иш олиб боришга ундамоқда.

Айни пайтда Халқ банки ўз мижозларига 20 га яқин турдаги омонатларни таклиф этаяпти. Бу жараённи ташкил этишда банк депозитлари бозори конъюктураси таҳлили, омонатчиларнинг истак ва эҳтиёжлари ўрганиб борилган ҳолда янги омонат турларининг мунтазам жорий қилиниши, ютуқли омонатлар тизимининг ривожлантирилиши, омонатчиларга қулайликлар яратилиши банкнинг бугунги кундаги бирламчи вазифаларидан бирига айланмоқда.

Хусусан 2003 йил давомида 11 та қисқа муддатли, жамғарилувчи ва ютуқли омонат турлари амалиётга жорий этилди. Жумладан «Наврўз», «Хазина», «Мукофот» ва «Тақдим этувчига» қисқа муддатли ҳамда «Наврўз совғаси», «Маҳаллам фахрим — менинг» «Яхшилик ниҳоли», «Орзу» ва «Байрам туҳфаси» ютуқли омонат турларини ўз мижозларига тақдим этди.

Ютуқли омонатларнинг фуқароларимизга таклиф этиб келинаётганлиги, омонатчиларга юқори фоизларда даромад олиш билан бирга, катта миқдордаги 500 000 ва 1 000 000 сўм пул ютуқлари соҳибига айланиш имкониятларини бермоқда.

Айнан мазкур омонат турларига қисқа вақт ичида 8 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг жалб қилиниши банк ресурс базасини сезиларли даражада мустаҳкамлашга олиб келди.

Айниқса, мижозлар таклифини умумлаштириб, ҳудудларнинг маҳаллий хусусиятларини ўрганган ҳолда турли шарт ва қоидаларга асосланган омонат турларининг амалиётга жорий этилишига катта аҳамият қаратилиши ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар аҳолиси, меҳмонлари учун «Пойтахт» ва «Соврин», Тошкент вилоятида «Ташаккур», Фарғона вилоятида «Олтин водий» қисқа муддатли ва ютуқли омонат турларининг омонатчиларга таклиф этилиши бу борада банк томонидан олиб борилаётган ишлар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Ушбу омонатларга жалб қилинган маблағлар миқдори 1,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Банк томонидан депозитларга жалб қилинаётган аҳоли маблағлари ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал секторига — ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, истеъмол бозорини молиялаштириш орқали аҳолининг товар ва маҳсулотлар сотиб олишдаги иштирокини фаоллаштиришдан келиб чиққан ҳолда банк томонидан изчил ва сермаҳсул тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Айни пайтда, фуқароларга «Тўёна», «Комфорт», «Талаба» ва бошқа турдаги кредитларнинг таклиф этилаётганлиги банк кредитлари ҳисобидан янги тузилаётган ёш оилаларга тўй тантаналари, турли маросимларни ўтказиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш, аҳолига уй-рўзғор буюмлари ва бошқа техник анжомларни харид қилиш, якка тартибда уй-жой қуришни амалга ошириш, ҳовли-жой ва квартираларни таъмирлаш каби кредит турларини таклиф этмоқда.

Банкда амалга оширилаётган кадрлар сиёсатининг асосий мақсади банк Бошқаруви томонидан режалаштирилган натижаларга кафолатли эришишни таъминлай оладиган юқори малакали кадрлар салоҳиятини шакллантиришдан иборат. Кадрлар сиёсатининг изчил йўлга қўйилганлиги банк ходимларининг Халқ банки олдида турган стратегик мақсад ва вазифаларни фидойилик билан самарали бажаришларини таъминлаб, пировард натижада банкнинг республика банк тизимидаги мавқеи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Аҳолига янги омонат турларини таклиф этиш билан бирга кенг ўрин берилди. Жумладан, ушбу йўналишга йўналтирилган кредит қўйилмалари 2004 йил 1 январь ҳолатига 12,2 миллиард сўмни ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг 46,8 фоизини ёки 5,8 миллиард сўмни кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ташкил этди. Кредит қўйилмаларидан 0,5 миллиард сўм қурилиш ҳамда маиший хизмат, 8,7 миллиард сўм эса бошқа тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилди.

Банкларо молия бозоридаги қўйилмалар қолдиғи 2004 йил 1 январь ҳолатига 18,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бу билан иқтисодиётнинг реал сектори, давлат аҳамиятига молик лойиҳаларни молиялаштиришда банкнинг билвосита иштироки таъминланди.

Халқ банки кредит сиёсатининг асосий йўналишларидан бири аҳолининг банк кредитларига бўлган талабларини қондириш, истеъмол бозорини молиялаштириш орқали аҳолининг товар ва маҳсулотлар сотиб олишдаги иштирокини фаоллаштиришдан келиб чиққан ҳолда банк томонидан изчил ва сермаҳсул тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Айни пайтда, фуқароларга «Тўёна», «Комфорт», «Талаба» ва бошқа турдаги кредитларнинг таклиф этилаётганлиги банк кредитлари ҳисобидан янги тузилаётган ёш оилаларга тўй тантаналари, турли маросимларни ўтказиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш, аҳолига уй-рўзғор буюмлари ва бошқа техник анжомларни харид қилиш, якка тартибда уй-жой қуришни амалга ошириш, ҳовли-жой ва квартираларни таъмирлаш каби кредит турларини таклиф этмоқда.

Банкда амалга оширилаётган кадрлар сиёсатининг асосий мақсади банк Бошқаруви томонидан режалаштирилган натижаларга кафолатли эришишни таъминлай оладиган юқори малакали кадрлар салоҳиятини шакллантиришдан иборат. Кадрлар сиёсатининг изчил йўлга қўйилганлиги банк ходимларининг Халқ банки олдида турган стратегик мақсад ва вазифаларни фидойилик билан самарали бажаришларини таъминлаб, пировард натижада банкнинг республика банк тизимидаги мавқеи ва салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Аҳолига янги омонат турларини таклиф этиш билан бир қаторда 2,0 миллиард сўмлик — ҳар бири 1,0 миллиард сўмлик икки эмиссиядаги Халқ банки депозит сертификати муомалага чиқарилди ва 2004 йил 1 январь ҳолатига сертификатлар ихтиёрийлик асосида аҳолига тўлиқ сотилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, аҳоли қўлидаги нақд пул маблағларини банк оборотига жалб қилиш ҳамда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш механизмини жорий этишни жаддаллаштиришда ҳам банк томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм, Сирдарё вилоятлари марказларида ва Тошкент шаҳрининг барча филиалларида пластик карточкалари билан ҳисоб-китоб қилиш механизми жорий этилди. Тошкент шаҳри ҳудудида 2167 та мижозимиз иш ҳақларини ва савдо ташкилотларига ўрнатилган терминалларда бажариладиган муомалаларни пластик карточкалари орқали амалга оширмоқда.

Ўтган йил давомида банкнинг рақобатбардошлилиги, ликвидлилиги ва даромадлилигини ошириш, банкнинг потенциал рисклари даражасини пасайтириш, банк фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиш ва банк хизматлари бозорига кириб бориши ҳамда ўз мавқеини мустаҳкамлаши мажмуи амалга оширилиб, банкнинг молиявий кўрсаткичлари яхшиланишига эришилди.

Норбобо ШАКАРОВ ёзиб олди

1

Ислоҳот ва таълим

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Унинг барча бўғинларида кўзга кўринарли ишлар, кашфиётлар амалга ошириляпти. Айниқса, университет ва институтларда жаҳон талабларига жавоб берадиган матахассислар тайёрлаш йўлидан борилаётгани, ёшларга илмий изланишлар қилиш учун кенг имкониятлар берилаётгани истиқлолимизнинг ёрқин саҳифасидир.

Андижон Давлат университети ректори, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, профессор Сирожиддин ЗАЙНОБИДДИНОВ билан бўлган мулоқотимиз айнан таълим жараёнидаги ўзгаришлар, унинг истиқболини белгилаб берувчи омиллар хусусида бўлди.

— Ҳаммамизга маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мамлакатимиздаги таълим ислоҳотининг бош манбасидир. Бу муҳим ҳужжат хорижий мутахассислар томонидан эътироф этилган. Масаланинг яна бир муҳим томони — таълим ислоҳотининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси давлат эканлигидир. Ҳар йили ялпи миллий маҳсулотнинг 8-10 фоизига тўғри келадиган бюджет маблағлари ушбу мақсадларга сарфланаётгани бунинг далили, ислоҳотлар муваффақиятининг кафолатидир. Айтинг-чи, бу ўринда ўзингиз раҳбарлик қилаётган жамоа қандай ишларни амалга ошираётир?

— Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида инсон омили, кадрлар салоҳияти, айниқса, ёшларни юксак салоҳиятли, бозор иқтисодиёти шароитида бошқалар билан рақобатлаша оладиган даражада тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекона қилиб айтганда, хорижий олий ўқув юртлари билан беллашиш, имкониятларимизни жаҳон стандартларига тенглаштириш ҳар бир олий ўқув юртининг асосий вазифаларидир, деб ўйлайман. Ҳозирда университетимиз халқаро ҳамкорлик борасида 17 та хорижий давлатдаги ўқув муассасалари билан алоқа ўрнатган. Ўнлаб профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар чет элда малака ошириш ва тажриба алмашишда бўлдилар. Хусусан, бир неча илмий ходимимиз Москва Давлат университетида малака ошириб қайтди. Яна бир жиҳати, эндиликда кафедраларимиз ҳам мустақил равишда дунё таълим даргоҳлари билан алоқа қилишмоқда. Ҳозирда бир қатор хорижий ташкилотлар, хусусан, Германия академик алмашувлар хизмати («ДААД»), «IREX», «Tempus», «ACCELS» — Америка халқаро таълим кенгаши билан доимий алоқалар олиб борилмоқда.

Ўзимиз хорижга чиқиши билан бирга, у ердан таниқли олимларни юртимизга таклиф қилиш ҳам юқори самара бермоқда. Университет ходими, химия фанлари номзоди Н.Жалилов ўтган йил апрель ойида «Истеъдод» жамғармаси орқали Россия иқтисодиёт академиясига малака оширишга борди. Ўқиш давомида Москва Пўлат ва қоришмалар институти билан ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома тузилди. Россия Фанлар академияси Умумий ва анорганик кимё институти билан биргаликда лойиҳа тайёрлашда иштирок этди. Шунингдек, мутахассисларимиздан Н.Бегибоева, Ш.Эрматовлар «Ахборот технологиялари» дастури асосида Малайзияда малака ошириб қайтди. 2003 йил 10 июнь куни университетимизда «ДААД» ахборот куни бўлиб ўтди. Унинг ҳудудий вакили Эва Портиус дастурда университетимизнинг иштирок этиши тўғрисида маълумот берди.

Университетимизга кўплаб хорижий олий ўқув юртлари профессорлари, халқаро ташкилотлар вакиллари маъруза ўқиш учун таклиф қилинади. Жумладан, ўтган ўқув йили Москва кимё-технологиялари институти профессори В.Фистуль физика факультетимизда ярим ўтказгичлар бўйича маъруза ўқишга таклиф этилди. Ноябрь ойида Француз тилини дунёга ёйиш маркази — «Attashe» вице-президенти Жак Лин Пресси хоним билан чет тили кафедрасида ўқитувчи ва талабаларнинг учрашуви бўлди. Бундан мақсад, Франция тарихи ва адабиёти ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар бериш ҳамда у ерда таълим олишга жалб этишдан иборат эди. Шунингдек, EDNET академиясининг ижрочи директори доктор Жон Найт ва Филипп Батерфилдлар университетда бўлишиб, таълимда кредит тизимини йўлга қўйиш бўйича халқаро семинарда иштирок этишди. Вилоятимизга ташриф буюрган Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шарод Сабҳарвал ва котиби Мистер Манишлар Андижон шаҳридаги диққатга сазовор жойлар қаторида университетимизда ҳам бўлиб, ўқув жараёнлари билан қизиқди. Учрашувда элчи жаноблари талабаларни Ҳиндистон таълим тизими билан яқиндан таништирди.

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўқув жараёнини ташкил этиш масаласига, тайёрланаётган кадрлар сифатига алоҳида эътибор берилган. Ана шу борада университетда қандай ишлар қилинаяпти?

— Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис сессияларидан бирида баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий омили — таълим сифати деб айтганларидан кўпчиликнинг хабари бор. Мана, ҳозирги пайтда бу нарса нақадар ҳаётий зарурат эканлигини яққол кўриб турибмиз. Ушбу йўналишнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз ва хориж университетлари билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларда иштирок этаяпмиз. Университетда 20 нафар фан доктори, 135 нафар фан номзоди хизмат қилмоқда. 20 та таълим йўналиши, 16 та мутахассислик бўйича кундузги бўлимда 3200 нафар бакалавр ва магистрга давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари асосида таълим-тарбия берилмоқда.

Таълимда узвийликни таъминлаш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълимнинг 18 та умумтаълим фанлари дастури яратилди. Европа давлатларининг таълим соҳасидаги Болонья декларациясига мувофиқ, университетда айрим масалалар бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси асосида устувор йўналишлар дастури ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси тузилди. Ўтган вақт мобайнида «Персса», «Сорос», «Истеъдод» жамғармалари орқали хорижий давлатлардан 25 минг АҚШ долларидан ортиқ маблағ эвазига мингдан зиёд ўқув-услубий адабиётлар келтирилди. Улардан фойдаланиш таълим сифатини ва самарадорлигини оширишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Профессор-ўқитувчилар томонидан янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, машғулотларни интерактив шаклда ўтказиш, талабаларда мустақил фикрлашни шакллантириш, информацион технологиялардан унумли фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Бу ишларнинг барчаси таълим сифатига ижобий таъсир этмоқда.

— Талабаларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ёшларимизнинг маънавий камолотини кўтариш борасидаги ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ёшлар маънавиятини шакллантириш узвийлик ва давомийликни талаб этади. Бу борада ижтимоий фанларнинг ўрни беқиёс. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг ўқитилишига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Талабаларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, миллатни севиш туйғуларини уйғотиш бош мақсадимиз бўлиши зарур. Ушандагина ёшларимизда бирор томонга оғиш, ёт ғояларга берилишига ўрин қолмайди. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш барчамизнинг устувор вазифамизга айланиши керак.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши томонидан ўтказилган талабалар уйларидаги «Энг яхши маънавият хонаси» танловида университетимиз мамлакат миқёсида биринчи ўринни эгаллади. Ушбу қувончли воқеа жамоамиз, қолаверса талабалар учун ҳам катта ибрат бўлди, десам янглишмайман. Ҳозирги пайтда улар орасида кўплаб мамлакат чемпионлари, Осиё чемпионати совриндорлари, 2 та жаҳон чемпиони ва 100 дан ортиқ халқаро мусобақа ғолиблари борлиги кишини қувонтиради. Бокс бўйича ёшлар ўртасида 2 карра жаҳон чемпиони Баҳодир Султонов жорий йилда катталар ўртасидаги жаҳон биринчилигида ҳам қатнашиб, бронза медалини қўлга киритгани — унинг келажаги порлоқлигидан далолат беради. Шу кунларда талабаларимиз Самарқандда ўтказиладиган «Универсиада —2004» мусобақаларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Режа ва истиқбол ҳамиша бир-бирига узвий боғлиқ. Ҳали бизнинг амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз талайгина. Суҳбатимиз сўнггида машҳур олим Г.Лихтенбергнинг «олим сўзи кўп ўқиган деган маънони англатади, лекин бу ҳамма нарсани билади, дегани эмас», деб айтган ҳикматига амал қилган ҳолда, билим ва тажрибага суяниш, фаол бўлиш — ҳар биримиз учун олий қадрият бўлиши лозимлигини таъкидламоқчиман.

Суҳбатдош:
Карим НОРМАТОВ,
профессор

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 365
13069 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.35
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

МАҚСАД — ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Хабарингиз борми?

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу, аввало, юртимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу боис шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил машиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпайди. Бу эса доимий равишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни, йўлларимизда ҳаракатланаётган барча турдаги транспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиб боришни тақозо этади.

Йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибати юртимиз иқтисодиёти ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётига жиддий зарар етказади. Техник жиҳатдан носоз бўлган транспорт воситаси эса йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин бўлган асосий сабаблардан биридир. 2003 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 33 та ҳодиса айнан транспорт воситаларининг техник носозлиги туфайли юз берган. Натижада 15 фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 26 киши турли даражада тан жароҳати олди. Шунинг учун ҳам бундай ҳодисаларнинг олдини олишда транспорт воситаларини доимий равишда техник кўрикдан ўтказиб бориш Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом» автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни, шунингдек, шаҳар электр транспортини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишдан кўзланган мақсад, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу боис техник кўрикдан ўтказиш давомида бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, транспорт воситаларининг техник ҳолати, фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назорат ташкил этилади.

Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, шунингдек, троллейбуслар ва трамвайлар мажбурий техник кўрикдан ўтказилади.

Ҳозирги кунда йўловчи ташиш билан шуғулланадиган автокорхоналардаги транспорт воситаларининг, яъни автобус, кичик автобус ва одам ташишга мўлжалланган юк автомашиналарининг аксарият қисми эскирган ҳамда узоқ вақт фойдаланишда бўлганлиги туфайли уларнинг техник ҳолатини доимий равишда назорат қилиб бориш зарур. Бу инсонларни турли фалокатлардан асраш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда йўловчи ташувчи транспорт воситалари бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтказилади. Шунингдек, бу қоида хавфли юкларни ташувчи транспорт воситаларига нисбатан ҳам қўлланилади. Айтиб ўтиш лозимки, бундай транспорт воситалари биринчи марта техник кўрикдан **1 мартдан 30 июнгача,** иккинчи марта эса **1 сентябрдан 31 октябргача** ўтказилади. Техник кўрикнинг муддатлари ҳақида гапирганда шуни айтиш лозимки, Низомда юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 мартдан 30 июнгача, жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги эса 1 январдан 31 августгача ўтказилади.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин олди. Янги ишлаб чиқарилаётган автоуловлар халқимиз эҳтиёжини қондирмоқда. Сифат жиҳатидан анча мукаммал бўлган транспорт воситалари узоқ вақтгача ўзининг техник имкониятларини йўқотмайди. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқарилганига беш йилдан кам бўлмаган транспорт воситалари икки йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилади. Ишлаб чиқарилганига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари эса (йўловчи ташувчилардан ташқари) бир йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилади.

Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун (мототранспорт, тиркамалар ва ярим тиркамалардан ташқари) энг кам ойлик иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорида йиғим ундирилади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, техник кўрикдан ўтказиш учун транспорт воситаси ёки унинг ваколатли шахси томонидан бир қатор ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Жумладан, паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, техник кўрикдан ўтказишга берилган транспорт воситасига мувофиқ тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (техник паспорт, техник талон), транспорт воситасини бошқаришга яроқлилик тўғрисида белгиланган шаклдаги тиббий маълумотнома ҳамда йиғим суммасини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши керак.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳамюртларимиз ўз транспорт воситаларини техник кўрикка тақдим этишдан олдин собиқ Иттифоқ даврида фойдаланишга киритилган ва бугунги кунда яроқсиз ҳолга келган қора тусдаги, оқ рамзли ҳамда оқ тусдаги, қора рамзли давлат рақам белгиларини янги, миллий давлат рақам белгиларига алмаштиришлари керак.

Султонмурод МАТҚОБУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ техника назорати бўлими бошлиғи, милиция полковниги

ФАХРИЙЛАРИМИЗГА ЭЪТИБОР

Олтиариқ фахрийлар сиҳатгоҳи 1800 метр чуқурликдан чиқадиган иссиқ шифобахш сувга эга. Таркибида 23 хил минерал элементларга бой бўлган сувдан қанча-қанча инсонлар шифо топмоқда.

Ўтган йили бу ерда беш юздан ортиқ фахрий ошқозон ва суяк бўғини тизими касалликларидан фориғ бўлишди.

Суратда: сиҳатгоҳ даволаш бўйича бош ҳаким муовини Азизбек Мадаминов фахрийлар билан суҳбатлашмоқда.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Интер-спорт

ТАНҚИД УЧУН ЖАРИМА



Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси Иван Эльгерни жамоа раҳбарлари муносиб жазолашди. Чунки, футболчи жамоада ўйинчиларнинг олди-сотдиси бўйича олиб борилаётган ишларда йўл қўйилаётган камчиликларни ошкора танқид қилган эди. Хусусан, у «Реал»нинг таянч ярим ҳимоячиларидан саналган француз Клод Макелеленинг кутилмаганда Лондоннинг «Челси» клубига ўтказиб юборилиши қимматга тушаётгани ҳақида мулоҳаза билдирган. Иваннинг фикрига қараганда, Макелеленинг кетиши жамоанинг мудофаа чизиғи бўшашиб кетишига сабаб бўлган. Ҳар қалай «Реал» клуби спорт директори Хорхе Вольдано Иваннинг мулоҳазаларини инобатга олган шекилли, навбатдаги ўйинчилар олишда кўпроқ мудофаа чизиғини мустаҳкамлашга эътибор беришини маълум қилган.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Маъноси йўқ гапдан донаси бор чўп яхши

«Маъносиз гап — донсиз чўп»; «Маъни йўқ гап — дони йўқ чўп» (Бу мақолларда «чўп» деганда «дарахтнинг шохи», «дон» деганда «меваси» назарда тутилган). Мазкур фикрни қувватлайдиган қуйидаги мақоллар ҳам борки, уларнинг мажозий маъноси «Бемаъни, ёқимсиз гапни ҳеч ким ёқтирмайди, уни эшитгиси ҳам келмайди» деган фикрни ифода этади: «Тузсиз хамир тандирда турмас»; «Тузсиз ошни ит ичмас».

Мағлубият — муваффақият гарови

«Оғзи қуйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади», деганларидек, киши бирор мағлубиятга учраса, ундан ибрат олади, иккинчи бу хатони такрорламаслик ҳаракатида бўлади, ишидаги, хатти-ҳаракатидаги, гап-сўзидаги камчилик-нуқсонларни йўқотади ва шу йўсинда муваффақият қозонишга эришади. Мазкур мақолда ана шу фикрни ифода этиш билан бирга мағлубиятга учраган одамга тасалли бериб, уни руҳан тушкунликка тушмасликка, бардам бўлишга, ҳеч иккиланмай дадил ҳаракат қилавериш-га ундайдилар.

Мақтов — ош билан нон бўлмас

Бу билан: «Бировнинг бўлар-бўлмас мақтов гапларига учма ва шунга қараб иш тутма. Бу ош билан нон каби сенинг қорнингни тўйдирмайди», деган маънода насиҳат қиладилар.

ДИҚҚАТ АУКЦИОН!

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 9,12,16,19,23,26,30 март кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Мирзо Улуғбек тумани:

Ҳусанбоев кўчасида жойлашган:

— майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 096 000 сўм;**

— майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 048 000 сўм.**

Ш.Бурҳонов кўчасида жойлашган:

— майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, **ҳар бирининг бошланғич нархи — 984 000 сўм;**

— майдони 0,035 га. бўлган иккита ер участкаси, **ҳар бирининг бошланғич нархи — 861 000 сўм.**

— майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 492 000 сўм.**

Шайхонтоҳур тумани:

«Қоратош» мавзеси, 1-уй ёнида жойлашган, майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 4 544 000 сўм.**

Шунингдек, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Ж.Обидова ва F.Мавлонов кўчалари кесишувида жойлашган, Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуришга мўлжалланган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи. **Бошланғич нархи — 4568520 сўм.**

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи учун-савдодан уч кун аввал, ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи учун савдодан бир кун аввал тўхатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкасининг эгалик ҳуқуқи учун бошланғич нархдан 10 фоиз, ижара ҳуқуқи учун бошланғич нархдан 5 фоиз миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар соат 11.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

Газетанинг 2004 йил 13 январдаги 5-сонида берилган «Диққат аукцион!» сарлавҳали эълонда кўрсатилган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ш.Абзалов кўчасида жойлашган, ҳар бирининг майдони 0,04 га, **бошланғич нархи — 3 936 000 сўмдан** бўлган 21 та ва майдони 0,02 га, **бошланғич нархи — 1 968 000 сўм** бўлган битта якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига эгалик ҳуқуқи савдодан олинганлигини маълум қилади.

Кимошди савдолари Агентлиги ва республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар бўлими шуни маълум қиладики:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 31 январь 13-сонидаги 2, 5, 9, 12, 16, 19, 23, 26, 30 март кунлари кимошди савдоларига қўйилган:

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган 13-сон ер майдонининг **бошланғич нархи — 576 800 сўм** деб ўқилсин.

Ҳамда 2004 йил 3, 6, 10, 13, февраль кунлари кимошди савдосига қўйилган, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигига қарашли Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хизматчи кўчаси, 96-уйда жойлашган, бошланғич нархи — 689 110 сўм ёки 707,5 АҚШ доллари бўлган «Капитал қурилиш бўлими» кимошди савдоларидан олинди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Ўзбекистон халқаро экспедиторлар уюшмаси ва транспорт-экспедиторлик ташкилотлари жамоалари уюшманинг Бош директори Давронбек Ҳамраевга акаси

Бахриддин ҲАМРАЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.